

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ

Исматуллаев Ф., ТДПУ ўқитувчиси

Ҳар бир мамлакат ва халқ ўз ривожланишида кўпгина ички ва ташқи омиллارга таянади. Жумладан, сиёсий, ижтимоий - иқтисодий ва маданий –маърифий соҳалардаги халқаро ҳамкорлик, ривожланишнинг самарали ташқи омилларида биридир. Европа Иттифоқининг ТАСИС (Tacis – Technical Assistance to Commonwealth of states) дастури иқтисодиётнинг муҳим истиқболли тармоқларини ҳамда махсус лойиҳалар асосида маориф, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини амалга оширишни кўзда тутди. Ана шундай дастурлардан бири Олий ўқув юртлари ўртасидаги халқаро ҳамкорлик алоқаларини амалга ошираётган ТЕМПУС (TEMPUS - Trans-European Mobility Program for University Studies) дастуридир. Ушбу дастур ЕИ умумий фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, Шарқий Европа, Марказий Осиё, Ғарбий Болқон ва Ўрта ер денгизи мамлакатларидаги олий таълим тизимини такомиллаштириш йўлида ҳамкорлик қилишга қаратилган. Унда ЕИ ва унга аъзо давлатларнинг Олий таълим соҳасидаги ҳамкорликларини рағбатлантириш, бу алоқаларни молиявий ёрдам кўрсатиш ва грантлар ажратиш воситасида кучайтириб бориш кўзда тутилган.

Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик соҳасида эришилган энг катта ютуқларимиздан бири тараққиётнинг ўзбек моделига мос бўлган кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимининг шакллантирилиши деб ҳисоблаш мумкин. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни умуминсоний кадриятларни ўзида мужассамлаштириш билан бирга миллий истиқлол ғоясининг асосий тамойиллари билан суғорилган. Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадларидан бири Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциясини кучайтириш, ўзаро тенг ҳамкорликка асосланган алоқаларни ривожлантиришдан иборат.

ТАСИС ТЕМПУС дастури асосан ЕИ мамлакатлари ҳамда янги мустақил давлатлар олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни амалга оширишни кўзда тутди. Ушбу дастур Олий ўқув юртлари ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида, 1990 йил 7 майда ЕИнинг Вазирлар Кенгаши томонида қабул қилинган. ТАСИС дастури бўйича 1992 йил Ўзбекистон Республикасига 1,78 млн ЭКЮ, 1993 йил 18 млн ЭКЮ ажратилди. 1995 йилда ТАСИС ТЕМПУС дастурини амалга ошириш учун ЕИ томонидан 28 млн ЭКЮ, ажратилди. 1993 йилдан 1995 йилга қадар ажратилган маблағ 85,48 млн ЭКЮни ташкил қилди. Ўзбекистонда ТАСИС ТЕМПУС дастури 1994 йилдан ўз фаолиятини бошлаган.

Бу дастурни афзаллиги шундаки, Европада Олий таълим соҳасида эришилган илм-фан, техника-технология ютуқлари ва янги дарс услублари таклиф қилинган мутахассислар ёрдамида Ўзбекистонга жорий қилинади. Қолаверса, ҳозирги демократик ислохотлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бундай ҳамкорлик жуда муҳимдир. Ушбу дастур асосида 1995 йил 59 та тўлиқ ва 87 та тайёрлов лойиҳалари амалга оширилди.

Асосий ҳамкорлик соҳасига иқтисодий, сиёсий фанлар, Европа тилларини ўқитиш, ижтимоий тадқиқот, тарих ва университетларни бошқариш киради. ТАСИС дастури лойиҳалари барча вилоятларда амалга оширилмоқда. Шу жумладан, Фарғона вилоятида дастур доирасида қисқа 1992-1997 йилларда икки лойиҳа амалга оширилган бўлиб, биринчи лойиҳа хусусий фермерликни қўллаб-қуватлаш ва химоялашга бағишланган. Иккинчи лойиҳа ” Фарғонада менежментга ўқитишни такомиллаштириш ” деб номланади. Ушбу лойиҳа 1996 йил октябрда бошланган, Фарғонадаги икки олийгоҳ Фарғона давлат университети ва Фарғона Политехника Институтини профессор-ўқитувчиларини малакасини ошириш “ЭМ-БИ-ЭЙ” халқаро

дастури асосида ўқитишдан иборат бўлди. Лойиҳадан кўзланган мақсад Фарғона давлат университети қошида ”менежмент” Олий мактабини очиш, китоб ва бошқа зарурий қўланмалар билан тامينлашни кўзда тутати. Дарс машғулотларини ЕИ нинг катта эксперти Мишел Потера ва маркетинг бўйича эксперт Шила Обрайен олиб борди. Ўқув курсларини тамомлаганлар малака оширишга Париж ва Москва шаҳарларига юборилди.

Таълим соҳасида ЕИнинг ТАСИС ТЕМПУС дастури лойиҳалари Ўзбекистон Республикасидаги таълим жараёнини такомиллаштиришни, халқаро андозаларга мос таълим беришни кўзда тутиб, тадбирлар ташкил қилади. Шундай тадбирлардан бири 1997 йил 10 декабрда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ТАСИС дастури лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан семинар ташкил этилди. Унда Европа университетлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, ўқитувчи-профессорларни айрибошлаш ва малакаларини ошириш, талабалар Европанинг нуфузли олийгоҳларида, ўз навбатида Европалик ёшларга Ўзбекистон олийгоҳларида ўқишга шароит яратишдан иборатлиги таъкидланиб, истикбол режалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Миллий университетида ҳам ТЕМПУС дастурининг бир нечта лойиҳалари амалга оширилди. Тарих факультети иштирокидаги 1995 - 1998 йилларда амалга оширилган «ТЕМПУС» дастурининг “Тарих” лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Ҳамкорлик натижасида факультетнинг кўйидаги ўқитувчилари доц.У.Рахмонов, Ў.Мавлонов, 1998 йил 14 – 21 январь кунлари француз олий ўқув юртлиари ўқитиш услублари билан ва Қадимги Шарқ тарихига оид янги адабиётлар билан танишиш мақсадида, шунингдек, А.Ғофурова, Б.Аминов, Д.Саримсоқовлар ҳам Франциянинг Ренн-11 Университетларида бўлиб, илмий янгиликлардан хабардор бўлиб, уларни амалда қўллаб келмоқдалар.

ТАСИС дастури негизида Ўзбекистонга 1992-1997 йил давомида 80 та йирик лойиҳалар, 73 млн ЭКЮ (79 млн АҚШ) маблағ ажратилди.

Европа Иттифоқи комиссияси ТЕМПУС дастури бўйича 2002 йилдан кейинги таълим соҳасидаги ислохотлар учун 6 млн евро ажратди. Дастур доирасида Ўзбекистон-Австрия таълим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича лойиҳани амалга оширди. Икки томон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда иш олиб борди. Австриянинг нуфузли олийгоҳи ўқитувчилари Ўзбекистонда малака ошириб қайтди.

ТЕМПУС дастури иш бошлаганидан буён қўшма лойиҳалари ижросига 13 та Европа давлатларидан 80 га яқин университетлар жалб қилинган.

Ўзбекистонда ТЕМПУС дастури ўз фаолиятини 1994 йилда, 6 та тайёрлов лойиҳалари билан бошлаган эди. Шундан кейинги йилларда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарамоғидаги 63 та олий ўқув юртидан 28 таси ушбу дастурда қатнашди. Республикада Олий таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган 43 та лойиҳа молиялаштирилди. Ҳозирги кунга қадар Европа Иттифоқи томонидан Ўзбекистон Темпус дастурининг ижроси учун 11,1 млн евро, шу жумладан, 2002 йилда ҳаракат дастури доирасида 2,5 млн евро ажратилди.

ТЕМПУСнинг омадли лойиҳаларидан яна бири ”Бозор иқтисодиётини ривожлантириш маркази” тузилиши ва фаолияти мисолида кўриш мумкин. Чунки, бу лойиҳа иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида амалга оширилаётган ислохотларда амалий ёрдам бериб келмоқда. Қисқа даврда ҳар бир 1,34 млн. экю ни ташкил қилган 17 та лойиҳа амалга оширилган. Бу ҳамкорлик кўламининг анча кенглигидан далолатдир.

Таълим соҳасидаги ҳамкорликни давоми сифатида, 2000 йил январдан бошланган янги “Ўзбекистонда профессионал касбий таълим ислохотида кўмаклашиш” лойиҳасини иш бошлаганлигида кўриш мумкин. Лойиҳа раҳбари Г.Соневелд фикрича, кўзланган мақсад ўрта махсус касб - ҳунар коллежлари ўқитувчи педагоглари янги методлар асосида дарс ўтишга кўмаклашиш ва уларни малакасини оширишни кўзда тутати. Икки йилга мўлжалланган ушбу лойиҳа республикамизнинг 3

та коллежида эксперимент шаклида ўтказилди. Ўтган қисқа даврда янги дастурлар ва ўқув методик қўлланмалар ҳам ишлаб чиқилди. Коллежларда асосан касб-хунар эгалари етиштирилгани учун, бюртмачи ташкилотлар мутахассислигидан келиб чиқиб иш олиб боради. Чунки, ҳозирги бозор иқтисодиёти жараёнлари кечаётган даврда таълимнинг бу соҳадаги ислохотларини узвий давом эттирилиши айни муддаодир.

Бундан ташқари ТАСИС дастуридаги лойиҳаларидан Олий таълим ва мактаблардаги таълим тизимини ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилган ишларда кўриш мумкин. Нидерландия унверситетлари Консорциулен (ФОНТИС) Ўзбекистоннинг икки йирик олий таълим даргоҳи Қарши давлат унверситети ва Тошкент архитектура-қурилиш инситути ҳамда Тошкент ва Қашқадарё вилоятларидаги 11 та мактаб билан ҳамкорлик амалга оширилиб, лойиҳа асосида кўплаб маҳаллий мутахассислар Европанинг нуфузли олийгоҳларида малака ошириб қайтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Халқ таълим вазири, ФОНТИС консорциуми вице-президенти И.Хубен ўртасида узок муддатли ҳамкорлик бўйича шартнома имзоланган. Шартномада масофали ўқитиш бўйича, ҳамкорликда қўлланма ва дарслик яратиш, ўқитувчи профессорларни қайта таёрлаш ва малакасини ошириш, консалтинг хизматини ташкил этиш, талабаларни айрибошлашни ривожлантириш каби соҳаларда келишув битимлари акс этган. Ўзбекистоннинг ФОНТИС билан ҳамкорлиги, халқаро таълим лойиҳаларида иштирок этиш ва жаҳон таълим тизимида интеграциялашувида катта имкониятлар эшигини очади.

Олий таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган халқаро ТЕМПУС дастури ташкилотчилари мамлакатимизда вақти-вақти билан анъанавий ахборот кунларини уюштириб туради. Бу тадбир иштирокчилари ТЕМПУС дастури фаолиятидаги янгиликлар билан таништирилди, улар олий таълимни ривожлантиришнинг замонавий устувор йўналишлари, дастурнинг янги лойиҳаларига танлов шартлари тўғрисида атрофлича маълумотлар олиш имкониятини беради. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшиб, таълим тизими соҳасидаги ислохотларни амалга оширилишида муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Адабиётлар:

1. ЎЗР МДА. Фонд – м-2, рўйхат – 1, жилд – 169, варақ – 37.
2. Худойқулова Л.С. Интеграция Узбекистана в мировое сообщество на мировое сообщество на примере сотрудничества с Европейским Союзом. 1991 – 1999гг.(Програма Тасис Темпус) Автореф. дисс. На соискание ученой степени кандидата исторических наук. Т. 2002
3. Ўзбекистон - ТАСИС: Результаты и преспективы. // Народное слово. 1997 1июнь
4. Европейская Комиссия: Программа ТАСИС: Годовой отчет за 1996 год.: Европейская Комиссия, Брюссель, 1997, с.46
5. Благодарная миссия ТАСИС. // Народное слово. 1998. 3 феврал
6. Тасис - партнер в образовании. // Народное слово. 1997, 11 декабр
7. Ўзбекистон Республикаси ва Франция ўртасидаги маданий алоқалар тарихи. Ўзбекистонда миллатларо муносабатлар ва тархий жараёнлар. Т. Университет. 2006.-б.130 -135.
8. Программа ТАСИС в Узбекистане. // Народное слово. 1998 5 феврал
9. События, факты. // Народное слова. 2002. 19 октябр.
10. Темпуснинг хайрли қадамлари. // Халқ сўзи. 2004. 28 апрель.
11. Ҳамкорликдаги фаолият таҳлили. // Халқ сўзи. 2006 10 ноябрь.
12. Новый проект начинает работать. // Народное слова. 2000. 26 январь
13. Наш партнер - ФОНТИС. // Народное слова. 2000. 20 апрель
14. Встреча специалистов. // Народное слова. 2002 12 ноябр.